



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 14 октябрь, № 218 (8561)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МДҲ САММИТИ — ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
13 октябрь куни Бишкек шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида ўтган саммит ишида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва МДҲ бош қотиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, МДҲ доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон Президенти мавжуд имкониятларни биргаликда баҳолаш ва ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш учун МДҲдек ноёб платформани

ишга солиш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Шу маънода, кўп томонлама ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли кун тартибини ишлаб чиқиш мақсадига МДҲ мамлакатларининг етакчи таҳлил марказлари ва экспертларининг конференциясини ташкил этиш таклиф қилинди. Мамлакатимиз етакчиси Ҳамдўстлик мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Ташкилот маконига истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо худу-

дини шакллантириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Шу муносабат билан тегишли шартнома қоидаларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлашда мавжуд механизмларни самарали ишга солишга қақирди ва уни рағбатлантиришнинг янги воситаларини таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларини илгари суриш бўйича қўшимча чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда МДҲ мамлакатларининг Саноат кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Энергетика ва озиқ-овқат соҳаларида ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида илғор технологияларни жорий этиш ва кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик бўйича янгилашган дастурни ҳамда Агросоанот мажмуидидаги кооперациянинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни тайёрлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси худудларо ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ташаббуси билан чиқди, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, йўловчи ва юк ташишни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўрсатиб ўтди.

Глобал иқлим исийши оқибатларига қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Келгуси йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган БМТ шафелигидаги Халқаро иқлим форуми доирасида МДҲ маконидидаги экологик хавф-хатарларга бағишланган махсус ялпи сес-

сияни ташкил этишга тайёрлик билдирилди.

Гуманитар соҳа ҳақида сўз юритилар экан, 2024 йилда "Ҳамдўстликнинг маданият пойтахти", деб эълон қилинган Самарқанд шаҳрида МДҲ маданият, санъат ва кино ҳафталигини ўтказиш таклиф қилинди.

Шунингдек, келгуси йилда МДҲнинг ёшлар пойтахти мақомини олган Тошкент шаҳрида бир қатор ёшларга оид тадбирлар, шу жумладан, футбол мусобақаси бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз етакчиси ўз сўзида таълим соҳасида ва сайёҳлик алмашувини ривожлантириш борасида ҳам муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Нутқининг сўнггида Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси Президентини 2024 йилда Ташкилотга раисликни қабул қилиб олгани билан табриклади.

Саммит якунида МДҲ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор битим ва қарорлар қабул қилинди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга дўстлик, яхши кўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги бир неча йилда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик ишидаги иштироки фаоллашди.

Мамлакатимиз МДҲнинг тармоқлар бўйича ҳамкорликнинг 24 та органига қўшилди, 65 та тузилмаси фаолиятида тўлиқ иштирок этмоқда.

Ушбу даврда Ўзбекистон Президенти томонидан кўпгаб муҳим йўналишлар

юзасидан қарийб 70 та ташаббус илгари сурилди. Уларнинг аксарияти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, рўйбга чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев МДҲ саммити доирасида Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан учрашув ўтказди.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали алоқалар жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда.

Маданият, кинематография ва спорт соҳасида қўшимча тадбирлар мунтазам ўтказиб борилаётган.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чораларни кўриш, жумладан, Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, Худудлар форуми ҳамда Ўзбекистон ва Беларусь етакчи олий таълим муассасалари ректорларининг учрашувини ташкил этиш муҳимлигини қайд этдилар.

МДҲ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Қадри ҳамкасблар!
Авалло, Қирғиз Республикаси Президенти, ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга аънанавий илқ қабул ва саммитни юксак даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Биз Ўзбекистонда Қирғизistonнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислигининг самарали якунларини юксак баҳолаймиз.

Бу даврда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида катта ишлар амалга оширилди, кўп томонлама қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, Хизматларнинг эркин савдо зонаси тўғрисидаги битим қабул қилинди.

Биз, шунингдек, кун тартибини ва ушбу йўналиш учун тайёрланган қарорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Бизнинг учрашувимиз глобал геосийсий кескинлик кучаяётган бир шароитда ўтмоқда. Барча ҳамкасбларим ўз чиқишларида олдимизда турган умумий таҳдид ва хавф-хатарларни қайд қилиб ўтдилар.

Минг афсуски, дунёнинг турли минтақаларидаги кескинлашиб бораётган зиддиятларнинг оқибатлари барча мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай вазиятда биз МДҲ бўйича шерикларимиз билан ҳамкорликнинг янги йўллари ва механизмларини излашда давом этамиз.

Гап, аввало, муқобил савдо-логистика йўналишларини шакллантириш, қўшилган қийматнинг қисқа ва янада самарали занжирларини яратиш, мамлакатларимиз иқтисодиётидаги бир-бирини тўлдирадиган захиралардан имкон қадар юқори даражада фойдаланиш, бизнес алоқаларини рағбатлантириш ҳақида бормоқда.

Биз пайдо бўладиган хавф-хатарларни биргаликда баҳолаш, мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар ва ностандарт қарорларни қабул қилиш

учун МДҲ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ноёб платформаси тўлиқ ишга солинишидан манфаатдоримиз.

Шу муносабат билан Ҳамдўстликнинг узоқ муддатли янги кун тартибини ишлаб чиқиш учун мамлакатларимизнинг етакчи таҳлил марказлари ва экспертлари иштирокида конференция ташкил этиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қиламан.

Қадри ҳамкасблар!
Жорий йил бошидан буён Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ташки савдо ҳажми атиги 5 фоизга ошди. Шу билан бирга, ўсиш суръатларининг секинлашув тенденцияси кузатилмоқда.

Юқори даражадаги экспертларимиз учрашувлари натижалари тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш йўлида ҳали ҳам қўллаб-қувватлаш мавжудлигидан далолат беради.

Биз қуйидагиларни таклиф этамиз:

Биринчидан, Эркин савдо худуди тўғрисидаги шартноманинг товарларни олиб қўйишга доир қоидаларини қайта кўриб чиқиш. Шартнома имзолангандан буён етарлича вақт ўтди ҳамда ушбу ҳужжатни бизнинг асосий мақсад ва вазифаларимиз билан тўлиқ мувофиқлаштириш вақти келди;

Иккинчидан, импорт ўрнини босишга қаратилган миллий дастурларни ўзроқ уйғунлаштириш;

Учинчидан, давлат харидлари бозорига имтиёзли кириш ҳуқуқини ўзаро келишув асосида тақдим этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

Тўртинчидан, қўшма улгуржи тақсимлаш ва логистика марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш дастурини қабул қилиш;

Бешинчидан, электрон савдони ривожлантиришни, жумладан, мавжуд платформаларни кенгайтириш йўли билан рағбатлантириш.

Яна бир муҳим жиҳат бу — ўзаро савдодаги техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар натижаларини тан олиш тўғрисидаги МДҲ

битимларининг қабул қилинишини жадаллаштиришдан иборат.

Ушбу масалаларнинг барчаси Ҳамдўстлик Иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига киритилиши зарур.

Саноат кооперацияси истиқболлари масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Буғунги кунда МДҲ мамлакатлари билан қўшма инвестиция лойиҳаларига доир портфелимиз ҳажми 25 миллиард доллардан ошди.

Яқинда қабул қилинган Саноат кооперациясини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Саноат сиёсати бўйича кенгаши доирасида ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларни илгари суриш ҳамда технопаркларни ташкил этиш бўйича Қўшимча комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф қиламан.

Бунда харидларни молиявий қўллаб-қувватлаш, суғурта ҳисобидан қўллаб бериш ва офф-тейк харид масалаларини пухта ўйлаб кўриш муҳимдир.

Келгуси йилнинг апрель ойда Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "ИННОПРОМ" саноат ҳафталиги доирасида МДҲ мамлакатларининг саноат кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказишга ҳам тайёримиз.

Энергетика соҳасида МДҲга аъзо ҳар бир мамлакатнинг электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, энергия тизимларимиз яхлит ҳолда ишлай оладиган шароитларни яратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир устувор вазифа — Ҳамдўстлик давлатларида истеъмолчиларни юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат махсусотлари билан таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан агросаноат комплекслари, логистика ва "экспресс" коридорларнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, тармоқчи технологик модернизация қилиш ва тизимли илм-фан

алмашувини масалаларини ҳал этиш талаб этилади.

Амалдаги тармоқ кенгаши доирасида Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги янгилашган ҳамкорлик дастурини ва Агросоанот секторига кооперациянинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни тайёрлашни таклиф қиламан.

Худудларо ҳамкорлик жуда катта имкониятга эга эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бундай шерикликни қўллаб-қувватлаш чораларини ўз ичига олган алоҳида "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш, жумладан, худудларнинг биринчи Форумини, кўргазма ва ярмаркаларни ҳамда ишбилармон доиралар вакилларининг ўзаро ташрифларини ўтказиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Транспорт соҳасида қуйидаги имкониятларни яратиш тарафдоримиз:

- транспортнинг барча турларида мультимодал ташувларни ташкил этиш орқали транспорт коридорларини ривожлантириш;

- асосий минтақавий коридорлар орқали юкларни ташинишда бизнес учун жозибадор шартларни шакллантириш;

- йўловчи ва юк ташишда бошқариш жараёنларини ва кўрсатиладиган хизматларни раҳамлантириш;

- транспорт инфратузилмаси ва ҳаракат тартибининг модернизация қилиш дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш.

Биз, шунингдек, МДҲнинг Давлатларо экологик кенгашига Ўзбекистоннинг қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилдик.

Келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Халқаро иқлим форуми доирасида Ҳамдўстлик давлатлари худудидидаги экологик таҳдид ва хавф-хатарларга бағишланган махсус ялпи сессияни ўтказишни таклиф қиламан.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қадимий Самарқанд шаҳрига 2024 йилда "Ҳамдўстликнинг маданият пойтахти" мақомини бе-

риш масаласини қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга чукор миннатдорлик билдираман.

Шу муносабат билан келгуси йил баҳорда Самарқандда МДҲ давлатларининг маданият, санъат ва кино ҳафталигини ўтказишни таклиф қиламан.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи, аниққса, долзарб аҳамиятга эгадир.

Биз янги қўшма лойиҳамиз доирасида келгуси йилда "Ҳамдўстликнинг ёшлар пойтахти" деб эълон қилинган Тошкент шаҳрида тадбирларга бой дастурни тайёрлашимиз.

Шунингдек, "Ҳамдўстлик кубоги" футбол турнирини қайта тиклаш ва ёшларимиз жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувларни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламан.

Халқаро рус тили ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани қабул қилишни қўллаб-қувватлаймиз.

Рус тилида таълим берадиган техник мутахассислик бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамдўстликнинг ягона туристик маконини тарғиб қилиш доирасида қўшма дастурлар ва туристик маҳсулотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёримиз.

Қадри ҳамкасблар!
Россия Федерацияси томонидан келгуси йил учун Ҳамдўстликка раисликнинг қабул қилиб олинishi муносабати билан ҳурматли Владимир Владимирович Путин номига билдирилган табрик сўзларига қўшиламан.

Ушбу муҳим ва масъулиятли вазифани бажаришда чин дилдан омадлар тилайман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Олий Мажлис Сенатида



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЧИҚЛИК ҚАНЧАЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари буйича доимий комиссиялари раислари учун семинар ташкил этилди. Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ОАВ вакиллари ва экспертлар қатнашди.

Тадбирда давлат органлари ва ташкилотларининг худудий тузилмалари томонидан очиқликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳар бир сессиясини жонли эфир орқали кенг жамоатчиликка етказиш жараёнини янада тезлаштириш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилда ўтган йил якунлари асосида давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш буйича амалга оширилган ишларни баҳолаш юзасидан "Очиқлик индекси" натижалари эълон қилинган муҳим қадам бўлди. Аммо ҳали олдинда бажариладиган вазифалар кўп.

Шундан келиб чиқиб, доимий комиссия раисларига давлат органлари ва ташкилотлари худудий тузилмаларида очиқликни таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни самарали назорат қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, йиғилишда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан сессияларни маҳаллий телеканаллар ёки интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали жонли эфирга узатиш амалиёти йўлга қўйилгани эътироф этилгани ҳолда, бу борадаги ишларни янада кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, семинарда "Ягона интегратор Uzinfocost" МЧЖ масъул ходими томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг "Kengash.gov.uz" портали фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тадбир якунида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ишларига эътиборни кучайтириш, доимий комиссия раислари, котибият мудирилари ҳамда ахборот хизматлари раҳбарларининг соҳа мутахассислари билан ҳамкорлигини бугунги кун талаби даражасида кучайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Парламент комиссияси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлариغا риоя этилиши буйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент комиссияси аъзолари, Инсон ҳуқуқлари буйича Миллий марказ, Адлия вазирлиги мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламент комиссияси раиси А. Саидов йиғилишни очар экан, халқаро мажбуриятларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва олдинда турган ишлар буйича ҳамкорликни йўлга қўйиш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, тармоқдаги муаммоларнинг бартараф этилиши учун муҳим эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда дастлаб "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Учинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари буйича БМТ иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар буйича қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси"нинг тегишли бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Миллий ҳаракатлар режасининг 9-д-бандида камситишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси оқлатилган. Адлия вазирлигининг таҳлилларига кўра, миллий қонунчилик ҳужжатларида камситишга қарши ҳамда камситишдан жабрланганларнинг ҳуқуқларини қоплатувчи нормалар етарлича ишлаб чиқилган.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияда маъмурий, жиноий ва фуқаролик кодексларида шахсни камситиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик борлиги белгиланган. Шу билан бирга, тегишли суд процессуал қонунчилик ҳужжатларида ҳам ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолаштираётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли судга мурожаат этиши ҳуқуқи кафолатланган.

Комиссия аъзолари Президентимизнинг 2023 йил 12 майддаги тегишли Фармони билан тасдиқланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги бағишланган тадбирлар дастури"да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан Инсон ҳуқуқлари буйича Миллий марказнинг ахборотини ҳам эшитдилар.

Қайд этилганидек, мазкур дастурнинг 6 банди буйича ижро мuddати якунлашиб, ишлар тўлиқ бажарилган. Фармон ижросини таъминлаш домида 20 дан ортиқ конференция, давра суҳбати, семинар-тренинглар ва тарғибот ишлари олиб борилган. 24 та бандни амалга ошириш буйича эса ишлар изчил давом этмоқда.

Шу билан бирга, тадбирлар дастурининг 22-банди ижросини таъминлаш домида жорий йилнинг 25-26 май кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Европа Кенгашнинг Хуқуқ орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси) ҳамкорлигида халқаро конференция ҳам ташкил этилди. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда Тожикiston Республикаси Конституциявий суди ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Шунингдек, комиссия аъзолари Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг умумлаштирилган маълумотини ҳам муҳокама қилдилар.

78 банддан иборат Миллий стратегияда 33 та қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Янги қонун ҳужжатлари лойиҳалари 20 та, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш буйича қонун ҳуж-



жатлари лойиҳалари 4 та, амалдаги қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари 9 та ташкил этади. Қолаверса, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг 20 та қонунини қабул қилинди.

Инсон шаъни, кадр-қиммати билан боғлиқ ҳар қандай камситишларнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган фуқаролар учун имтиёзлар бериш, болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглигига эришиш мазкур "Йўл харитаси"да белгиланган вазифаларда устуворлик касб этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини амалга ошириш буйича "Йўл харитаси"нинг 25-банди ижросини таъминлаш

мақсадида Миллий марказ томонидан тайёрланган "Бола ҳуқуқларини ўргатиш" ва "Бола ҳуқуқлари" қўлланмалари тўғрисидаги маълумотнома ҳам муҳокама қилинди.

Бугунги кунга мамлакатимиз Инсон ҳуқуқлари оид 80 га яқин халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида бола ҳуқуқлари оид халқаро нормалар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур халқаро ҳужжатлар, ўз навбатида, бола ҳуқуқлари буйича миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам бermoқда.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қорарлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Шу кунларда regulation.gov.uz порталига ҳамда Қонунчилик палатасининг parliament.gov.uz расмий веб-сайтга жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, турли касб эгалари, ёшлардан кўп рақамли тақлифлар, асосий фикр-мулоҳазалар, муносабатлар келиб тушмоқда. Бу ҳақда газетамизнинг аввалги сонларида ҳам маълумотлар берган эдик.

Қайд этиш жоиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ



Руиддин РАУПОВ, тадбиркор:

— Қонун лойиҳаси иккита сайтга муҳокама учун қўйилгани уни янада чуқур кўриб чиқишимиз ва фикр билдиришимизга кенг платформа яратди. Мазкур ҳужжат матни билан тўлиқ танишиб, айрим ҳулосаларга келдим. Жамиятнинг вакили сифатида бир қатор тақлифларим бор.

Масалан, лойиҳада сиёсий партиялар вакиллари кенгаши ўз мажлисида Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни депутатлар орасидан кўрсатиш масаласини кўриб чиқади. Сиёсий партиялар вакиллари кенгашининг мажлисида Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиянинг вакили раислик қилади, дейилган.

Тақлифим шуки, аксинча қонунларни қабул қилишда ва жамият бошқарувида энг фаол бўлган сиёсий партиялар Спикер ва унинг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатилишини йўлга қўйиши керак.

депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган парламент фаолиятига оид қонун лойиҳаси билан 14 та қонун (жумладан, Сайлов кодекси)га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасига оид тақлиф ва муносабатлар 12 октябрь кунги ҳолатига кўра, жами 371 тани ташкил этмоқда. Уларнинг 211 таси regulation.gov.uz порталига ҳамда 160 таси parliament.gov.uz веб-сайтга келиб тушган. Таҳлилларга кўра, уларнинг аксариятини лойиҳадаги нормаларни қўллаб-қувватлаш баробарида, уни янада такомиллаштиришга оид тақлифлар ташкил этмоқда.

Қуйида юрtdошларимизнинг қонун лойиҳаси юзасидан билдирган фикрлари билан танишасиз.

Замира ТОЖИЕВА, журналист:

— Қонун лойиҳаси ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокама бўлганини кузатганимда, менда ҳам кўп рақамли мунозарали саволлар туғилганди. Айрим нормалар ноўрин талқин қилинганига лойиҳа матни билан тўлиқ танишган, амин бўлдим. Масалан, тақлиф этилаётган қоидалар парламентнинг ҳозирги эмас, балки кейинги қаҳрига анал қилишини қайд этиш жоиз.

Лойиҳада Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туриши, фракция таркибига кириши, қуйи палата қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмаслиги айтилган.

Шу ерда савол туғилади. Аслида бўлажак Спикер ўринбосари депутатликка муайян жойдаги (округ, сайлов участкаси) сайловчилар томонидан сайланган. Энди юқоридagi ўзгартириш ушбу депутатни

сайлаган электротар мафсаати ҳимоясига таъсир қилмайди, уларнинг муаммолари ким томонидан ўрганилади ва қимми қандай ҳал этилади? Ўчми-таркибидан ўрин олмаслиги мантиқан тўғри бўлиши мумкин. Лекин партия аъзоси сифатидаги фаолиятини тўхтатиб туриши маъқул бўлмас керак.

Яна бир норма — қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси қўмиталарида муҳокама қилиш очиқ ўтказилишини қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, унда белгиланаётган муҳокамаларга қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари, шунингдек олимлар, мутахассислар ҳам тақлиф этилиши мумкин, деган охириги сўз ўрнига тақлиф этилади, дейилса тўғри бўлади. Чунки қонунчиликда мавҳум сўз ишлатилиши мумкин эмас.

Ислом ОКНАЗАРОВ, Ёшлар парламенти аъзоси:

— Қонун лойиҳасидаги айрим нормаларни аниқлаштириш керак. Масалан, Бош прокурор ва шу каби лавозимларга тайинлашда Президент тавсия этган номзодлар Сенатга киритилиши ёки Сенат муҳокама қилган номзодни Президент тасдиқлаши ҳақидаги қисмларга ўзгартириш киритиш лозим. Номзодни тасдиқлашчи маслаҳатлашувлардан кейин тўлаганича Сенатга юклал лозим.

Яна бир масала — парламент қўйи ва қорари палаталари тарқатиб юборилган тақдирда бирида 1 ой мuddатда, иккинчисида 2 ой мuddатда қайта ташкил этиш назарда тутилганлигини асослантириш керак. Ҳар икки палата қайта шакллантирилиши учун мақбул бир мuddат белгиланиши лозим. Бизнингча, ўртача 1,5 ой белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Лойиҳада кўзда тутилган Спикер ўринбосарлари сони қисқаришини эса маъқуллайман. Лекин улар фаолияти домида партия аъзолик сафидан чиқишини мантқиқсиз, деб ҳисоблайман. Чунки айни бир партияда аъзолик — лавозимга келишига туртки бўлган.

Қонун лойиҳалари муҳокамаларида кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиши ва дахлдорлик нуқтаи назаридан, ўз муносабатларини билдириши қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ҳаётийлигини, шафдофлигини таъминлашга йўл очади. Чунки одамлар қонунлар ҳақида қанчалик кўп билса, англаша ўшанда ҳуқуқий манфаатлар тўла-тўқис қафолатланади.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, билдирилган тақлифлар, муносабатлар айни вақтда қонун лойиҳасига масъул — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида батафсил кўриб чиқилмоқда.

«Халқ сўзи».

СУВ АДОЛАТЛИ НАРҲДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛСА, ИСРОФГАРЧИЛИК КЕСКИН КАМАЯДИ

Бугунги реаллик шуки, ичимлик суви ресурслари, айниқса, минтақамизда жуда чеklangан ва бу бебаҳо неъматга аҳоли эҳтиёжи ортгани сари, унинг ҳажми камайиб бораверади. Демак, суви тежаш маданияти турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган экан, бу йўналишда сезиларли муваффақиятга эришиш қийин.

Мушоҳада

Тежамкорликка, биринчи навбатда, реал таннархни қоплай оладиган ва аҳолини сувини тежашга ундовчи тарифлар билан эришилади. Масалан, сув таъминоти яхши йўлга қўйилган давлатларда, тежамкорлик аҳоли истеъмол маданиятининг ажралмас қисмига айланган.

Лекин ҳозирги сув нархи билан аҳоли ўртасида тежамкорлик маданиятини шакллантириб бўлмайди. Сув қанча арзон бўлса, уни шунча исроф қиламиз. Бу инсон табиатида хос фазилат. Фақат бозор нархларига одамларни сувини тежашга ундаши, мотивация бериши ва риоя қилиши мумкин.

Ичимлик суви ишлаб чиқариш ва уни аҳолига етказиб бериш, жамлаш, филтёрлаш, ҳар соатда лаборатория текширувларидан ўтказиш, минглаб километрик қувурлар ва насослар орқали марказлашган тарзда ташиш синга-

таннарх харажатлари ҳисобидан 960 млрд. сўм қопланмасдан қолган. Бу эса қўшимча қарз харажатларини келтириб чиқаради.

Сўнгги уч йилда истеъмолчилар сони 3,2 млн. нафарга ошган. Уларга ичимлик суви етказиб бериш эса янада кўпроқ меҳнат ва харажатларни талаб этиши, табиий. Бундан ташқари, сувини узоқ масофага етказиш жуда катта электр энергияси талаб қилувчи насослар орқали амалга оширилади. Қолаверса, бу йил электр энергияси харажатлари ошганини ҳам эслаб ўтиш лозим.

Бунга мунтазам равишда юзага келадиган авария ҳолатларини бартараф этиш, тармоқларни жорий ва мукамал таъмирлаш харажатларини ҳам қўшсан-

гиз, сувнинг нархи қанчалик арзон эканини англаб етасиз. Демак, бугун ичимлик суви таъминоти тизимида бозор нархлари механизмларига ўтиш вақти аллақачон етиб келган.

Истеъмол учун реал нархларда пул тўлаган одам ҳеч қачон уни исроф қилмайди, сувдан ҳўжасизларча фойдаланмайди. Бу сув таъминоти тизимидаги корхоналарнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш, ҳали сув етиб бормаган худудларимизда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун имконият яратади.

Айтиш жоизки, 2022 йилдан фойдаланувчиларга ичимлик суви тармоқларини уй ҳўжалингича киритиш ва 2023 йил 1 январдан эса аҳолига қўйлаш мuddати тугаган сув ҳисоблагич-

ларни янгисига алмаштириш "Ўзсувтаъминот" АЖ ва худудий сув таъминоти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бунинг учун республика буйича 902 млрд. сўм маблағ талаб этилади. Ушбу маблағ бугунги кунги тариф харажатларида кўзда тутилмаган. Ичимлик ва оқова сув иншоотларини қўриқлаш хизмати тўловлари сўнгги уч йилда 6 марта ошганини натижада 18,5 млрд. сўм қўшимча тўловлар келиб чиққан.

Масаланинг энг ўйлантирадиган томони шундаки, бу харажатлар уч йил олдин тасдиқланган амалдаги тарифларда кўзда тутилмаган. Соҳа ходимларининг иш ҳақи миқдори эса шу даврда ўртача 1,3 млн. сўмдан 1,4 млн. сўмга оширилган, холос. Республика буйича аҳолига энг арзон тариф Тошкент шаҳрида — 1 метр куб сув учун 400 сўм, энг қиммат тариф Қўйтақи Навоий вилоятида — 3 минг сўмни ташкил этади.



Умуман олганда, биз ҳар кун истеъмол қиладиган ичимлик суви ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун катта меҳнат ва харажатлар йўналтирилмоқда. Сув нархларининг бозор шартларига яқинлаштирилиши, локал таннархни қоплайдиган даражага етказилишини бугун даврининг ўзи такозо этмоқда. Зеро, шундангина аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ошириш юзасидан истиқболли лойиҳаларни ҳаётга кенг жорий қилиши мумкин бўлади.

Асосийси, аҳолига сув адолатли нарҳда етказиб берилса, унинг қадрини ошиб, исрофгарчилик кескин камаяди.

Барно МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

“Истеъмол учун реал нархларда пул тўлаган одам ҳеч қачон уни исроф қилмайди, сувдан ҳўжасизларча фойдаланмайди. Бу сув таъминоти тизимидаги корхоналарнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш, ҳали сув етиб бормаган худудларимизда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун имконият яратади.”

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ФИДОЙИ ҲУҚУҚШУНОСИ

(ПРОФЕССОР МИРЗАЮСУФ РУСТАМБОВНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР)

Мамлакатимизда шу йилнинг 30 апрель куни ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ёқлаб овоз берди. Бу, ўз навбатида, янгиликларни бош қомусимизда халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан яққол далолатдир.

Эхтиром

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги, замонавий ва жуда муҳим нормаларнинг ҳаётга қатъий ҳамда изчил таъбиқ этилиши, хусусан, судлар томонидан ана шу конституциявий қоидаларнинг тўридан-тўри қўлланиши юртимиз ва халқимиз тарихида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва қадр-қиммати ни улуғлаш борасида янги даврни бошлаб бермоқда. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, **“Инсон кадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон кадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”**.



Шу маънода, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидики акс этган нормаларни халқаро ҳуқуқ тамойилларига мос ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Конституциявий комиссия аъзолари томонидан катта ишлар амалга оширилди. 2022-2023 йилларда Конституциявий комиссия таркибида фаолият юритган ва ўзининг чуқур билими, жонқуралиги билан алоҳида ажралиб турган ҳуқуқшунослардан бири — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор Мирзаосиф Рустамбоев бўлди.

Конституциявий ислохотлар асосида ушбу фидойи олим тавсия этган 35 та тақлифнинг аксарияти янги тахрирдаги Конституциянинг матнига тўлиқ ёки қисман киритилгани таҳсинга сазовор.

Мамлакатимиз илм-фани ва таълим-тарбия тизими фидойиси, зукко олим ҳамда таниқли жамоат арбоби Мирзаосиф Рустамбоев — Ўзбекистонда юридик фан ва юри-

“Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” номи ўзбек ва рус тилларидаги 5 жилдлик китоби, қарийб 70 та дарслиги, 30 га яқин ўқув ва 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалари, 15 та монографияси, салкам 40 та рисоласи, 160 дан зиёд илмий мақола ҳамда 550 га яқин илмий ишлари талабалар орасида қўлма-қўл бўлиб, илмий доираларда ҳам беҳад қадрланади.

Шунингдек, Мирзаосиф Рустамбоев — жонқура давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ном қозонган. Хусусан, у 2004 — 2009 йилларда Олий Мажлис Сенатининг турли қўмита ва комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилди. Олий таълим тизимининг кўзга қўйилган вакили, иқтидорли илм-фан намояндаси сифатида давлат ва жамоат ишларида ҳамма фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда полковник М. Рустамбоев — Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети раҳбари. Ушбу ихтисослаштирилган олий таълим муассасасида курсантларнинг сифатли ва намунали таълим олишлари учун барча зарур шароит яратилиши натижасида университетнинг илмий салоҳияти 2017 йилдаги 10 фоиздан 2023 йилда 75 фоизга ўсди.

Ватанимиз илм-фани ва ёшларимиз таълим-тарбияси йўлидаги жонқуралиги туфайли Мирзаосиф ака “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони ва “Меҳр-саховат” кўрак нишонини, Иккинчи даражали “Шон-шараф” ордени каби юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Бу, албатта, таниқли ўзбек олимидинг юридик фан ва таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси эътирофидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейин-

Халқ амалий санъати

ЗАРГАРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

Хоразмда заргарлик азалдан халқ амалий санъатининг бир кўриниши сифатида кенг ривожланган. Қадимда Хива шаҳри олтин ва кумушдан тайёрланган зеб-зийнатлар савдосининг муҳим чорраҳаларидан бири саналган. Бугунги кунда ҳам вилоятда 140 нафарга яқин хунармандлар заргарлик фаолияти билан шуғулланади.

Кейинги йилларда заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, жумладан, ишлаб чиқарувчиларга қимматбахо металллардан фойдаланиш имкониятининг берилиши натижасида маҳаллий заргарлик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ошди.

Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадвал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони туфайли заргарлик брендлари тарғиботини қулайтириш, мамлакатимизда заргарлик кўргазмалари ва ярмаркаларини ташкил этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг кўргазма савдоларида фаол иштирокни таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Урганч шаҳрида уюштирилган заргарлик кўргазма-савдоси ҳам айни шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижаси бўлиб, унда нафақат хоразмлик ишлаб чиқарувчилар, балки таниқли заргарлик корхоналари, хунармандлар, савдо

ташкилотлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

— Биз бу кўргазмага ўзимиз тайёрлаган бир неча турдаги олтин ва кумуш тақинчоқлар билан келдик, — дейди заргар Абдулхамид Каримов. — Хоразмдаги бу кўргазма-савдо маҳсулотларимизнинг ўзига хос тарғиботида муҳим омили бўлди, десак, хато бўлмайди. Бу соҳада меҳнат қилаётган хунармандлар билан танишдик, ўзаро таъриба алмашдик.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда ички бозорда сотувга чиқарилаётган заргарлик буюмларининг маълум қисми хоржидан импорт қилинмоқда. Миллий заргарлик брендларининг тарғиботи эса импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Одилбек ОДАМБОВ «Халқ сўзи».

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Республика шoshiнч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида комбустиологик ва токсикологик реанимация бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Тиббиёт

Мазкур бўлимда куйиш жароҳатини олганлар, заҳарланганлар, буйрак етishимовчилиги ҳасталиги билан оғир ҳолатга тушган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Бўлимда халқаро стандарт талаблари даражасида муолажа ишларини олиб бориш учун барча қулайлик яратилган. Бу ерда хорижий клиникаларда малака оширган, муайян таърибага эга малакали шифокорлар фаолият юритади.

— Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик, — деди бўлим очилишига бағишлаб ўтказилган маросимда сўз олган Академик Павлов номидаги 1-Санкт-Петербург давлат

тиббиёт университети профессори Вадим Теплов. — Мазкур бўлим ҳамон андозалари асосида жихозлангани билан эътиборимизни тортди. У беморларга тезкор шoshiнч тиббий ёрдам кўрсатиб, қўлаб инсонларга ўз oilаси бағрига саломатлигини тиклаган ҳолда қайтишдек бахтни туффа этади, албатта.

Айтиш жоизки, филиалда сўнгги беш-олти йил давомида умумий қиймати 25 млрд, сўмдан зиёд бўлган замонавий қабул-диагностика ва жаррохлик блокларидан ibорат иншоотлар, шунингдек, 135 ўринли бино қурилди. Филиал кечаю кундуз ишловчи тиббий кислорол ишлаб чиқариш станциясига эга бўлди, 1,5 млн. АКШ доллари миқдоридagi тиббий асбў-ускуналар билан жихозланди.

Истам ИБРОҲИМОВ «Халқ сўзи».

БИЛИМЛИ ИНСОНЛАР — ЖАМИЯТНИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»

ёки саводхонлик даражасини яхшилаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин

Хабарингиз бор, шу йилнинг 28 июль куни Фарғона шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида худудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда айни йўналишда бугунги куннинг оғирлиги масалалари очик-ошкора таҳлил этилди, масъулиятсиз раҳбарларга кескин чоралар кўрилди ҳамда бу борадаги муаммоларни ислох қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бугуннинг гапи

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида гап борар экан, таълим ва тарбия жараёнини янада кучайтириш, жамоатчилик назоратини кенг йўлга қўйиш, дахлдорлик ва масъулият туғйисини яхшилаш, замонавий билимлар борасидаги саводхонлик даражасини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Буларнинг барчаси жамиятнинг умумий саводхонлиги, кенг билим ва дунёқарашга эга эканлиги билан Беовисота боғлиқ.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув шароитида сайёраимизда саводхонликнинг ўрни ва аҳамияти жуда ҳам улкан. Мамлакатимизда ҳам саводхонлик даражасини ошириш мақсадида таълим тизимининг барча бўғини ислох этилиб, илм-фан ривожига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда таълим тизими, саводхонлик ва илм-фан нечоғли шиддат билан ривожланиб бораётган бўлса, жиноятчиликнинг турлари, шакл ва қўринишлари ҳам кўпайиб бораётгани барчамизга яхши маълум. Шу боис баъзи ҳамюртларимиз саводхонликка эътибор қаратмагани сабабли турли алдвон йўллари орқали жиноят қўрбони бўлаётгани ёки жиноятчига айланиб қолаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Ушбу мақолада жиноятчиликка сабаб бўлаётган айрим муаммоларни айнан саводхонликни яхшилаш орқали ижобий ҳал этиш мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Илмли — ютади, илмсиз — ютқази

Халқимизда “Ҳар яхшининг бир ёмони бор”, деган ҳикматли нақл бежиз айтилмаган. Бу билан ҳамма яхши нарсани (одам)-ларнинг, битта бўлса ҳам, ёмон томони

га келган код айтади. Натижада кодни қўлга киритган фирибгар пластик картада олимаслик маблағини ўзлаштириб олади. Бунинг ечими эса — эътиборли бўлиш ва электрон саводхонлигини оширишдир. Боиси ҳеч бир инсон шахсий ҳужжатлари, ташкилот ва корхоналари муҳрлари ҳамда пластик картани бегонага бермаслиги, компьютер ва уяли алоқа воситаларига келган код ёки паролни ўзгаларга айтмаслиги зарур. Электрон қурилмалар ва дастурлар асрида яшаётган эканмиз, бу борадаги саводхонлигимизни оширмасдан илож йўқ. Саводхонлигимиз етарли даражада бўлмаган тақдирда эса электрон ҳамён ёки пластик картада пул саклашда ниҳоятда эҳтиёткор бўлган маъқул.

Ғойибдан келажак бахт бир афсона...

Бугун ўз талаб ва истакларига чегара қўя олмаслик — осон, тез ва меҳнатсиз даромадга эришиш истиғи, яъни нафс кўнчилигининг панд еб қолишига сабаб бўлмоқда. Чунки айрим кимсалар, айниқса, ёшлар бир зумда бойиб кетиш ёки бахтли бўлиб қолишни истигайди. Бунинг ҳам энг катта сабабларидан бири — илмсизлик ва эътиборсизликдир.

Шунинг учун ҳам эндиликда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали баъзи ёшларнинг ўзгалардан қарз олган ҳолда ёки ўз oilа аъзоларининг пул маблағларини электрон қиморларда ютқазиб қўйганлиги

ҳақида кўп эшитяпмиз. Ачинарлиси, уларнинг баъзилари ҳатто ўз жонига қасд қилишгача бормоқда.

Шунингдек, кўп ҳолларда ижтимоий тармоқлар орқали чет элдеги бегона шахслардан жуда катта миқдорда пул маблағи ютиб олганимиз ёки катта миқдорда мерос қолгани ҳақида электрон мактублар юборилади. Билингки, улар фирибгарлар бўлиб, катта пулга осон эришиш истигаингиздан фойдаланган ҳолда пулингни ўзлаштиришни мақсад қилгани аниқ.

Бунинг ечими ҳам айнан илм-фан ва эътибордир. Дунёвий ёки диний илмда бўлсин, барчасида муваффақиятга меҳнат, сабр ва билим билан эришилиши ўргатилади. Агар бундай тоифадаги йигит-қизлар ҳам ўзларининг олтинга тенг вақтини илм олиш ва ўз келажиги учун эътиборли бўлишга сарфлашса, кейинги пушаймонга ҳожат қолмайди.

Хулоса шунки, ўқиш ва билим олишга энгилтакли билан муносабатда бўлманг. Академик шоиригимиз Ёзғанидек, тақдиринг қўл билан яратор одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона!

Истеъмол маданияти ёки хавф оёқ остида

Савдо дўконидан харид қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш санаси ёки фойдаланиш йўриқномасини ўқиб кўриш шунчалик қийинми? Йўқ, албатта. Аммо бир қарашда оддий шу ишга ҳам кўпчилик ҳафсалда қилмайди, яъни ўз ҳаёти ва соғлиғига бефарқ бўлади. Албатта, юртимизда харидни амалга ошира оладиган инсонларнинг саводхонлиги бор. Лекин кунг ва ҳафсала йўқ. Натижада бундай эътиборсизлик жиноят юз беришига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, сотиб олинётган маҳсулот озиқ-овқат, фармацевтика буюми ёки истеъмол товари бўлса, бу ҳалокатли яқун тоғиши ҳам хел гап эмас.

Аслида бунинг ечими жуда оддий. Шунчалик сотиб олаётган маҳсулотнингизнинг яроқлилиқ мuddати ва фойдаланиш йўриқномасига эътибор қаратиш қийон. Бу кўп вақт ёки машаққатли меҳнат талаб қилмайди. Шу боис мuddати ўтган маҳсулотни истеъмол қилиб, азият чеккандан қўра, озроқ эътиборли бўлиш ёки атиги



10 — 15 сония вақт ажратиб йўриқнома ва ёрликларини ўқиб кўриш осонроқ эмасми?

Халқимиз мақолида айтилганидек, касални даволашдан қўра олдинки олган маъқул ва фойдалидир.

Ақл-заковат — бахт ва фароғат қалити

Ҳаётда билим эгалламай, изланмай, ўрганмай, кўр-кўрона ўзгаларнинг сўзига ишониб кетаверилишининг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Афсуски, бугунги кунда ана шу каби қусурлар туфайли қийин аҳволда қолаётган инсонлар кўп учрайди.

Одам савдоси, фирибгарлик ва алдвон йўли билан ўзгалар мулкни ўзлаштириш каби жиноятлар ҳам бу муаммонинг сабабларидан биридир. Ва яна бунинг илдизи саводсизлик ва эътиборсизликка бориб тақалади. Оммавий-ахборот воситалари орқали бундай жиноят қўрбонига айлиб қолмаслик ҳамда бундай кимсаларга алданмаслик ҳақида қайта-қайта таъкидланса ҳам соддалиги ёки етарлича билимга эга эмаслиги сабабли баъзи ҳамюртларимиз жиноятчилар тузоғига илиниб қолаётгани ачинарлидир.

Бу муаммонинг ечими ҳам саводхонлик билан боғлиқ. Юридик ёки молиявий саводхонлиги етарли бўлмаганлар бирор таниши чет элга чиқиб, маълум бир қисқарок мuddат ичида автомобиль сотиб олгани ёки янги уй қурганини кўрса, тегишли расмий идораларга мурожаат қилиш ўрнига, шу таншининг сўзига лаққа ишонади. Бундай муаммонинг олдини олишининг энг яхши йўли расмий маълумот ёки ваколатли шахсларга мурожаат қилишдир.

Хозирги кунда мурожаатларга қулоқ

тутиш мақсадида барча ташкилот ва идораларнинг қисқа рақамли “Ишонч телефони” рақами ҳамда Call-марказлари ташкил этилган. Улар билан болганиш ва вазиятга аниқлик киритиш жуда ҳам осон.

Едда тутинг, ақл-заковат — бахт ва фароғатга элтувчи йўллар!

Ўқиш ва ўрганиш ҳеч қачон кеч эмас

Ўқиш, билим олиш имкониятидан унутили фойдаланмаслик — бугунги куннинг яна бир муаммосидир. Баъзи инсонлар йиллар давомида ўқиш орқали билимларини мустаҳкамлаб боради. Аммо билимлар чархланиб, янгилиниб турмаса, йиллар давомида у унутилиши, замондан орқанда қолиб кетиш хел гап эмас.

Айтилай, кўпчилик бирор-бир шартнома имзолаётган вақтида шартнома шартлари, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касбига оид китоблар, газета ва журналларни ўқиб ўтирмайди. Одатда айланаб қолган бир хилдаги ишнини бажариб, ўқиш-ўрганишга вақт ажратмайди.

Бу уларнинг жиноят қўрбонига айланishiга яна бир сабаб бўлиши мумкин. Демак, ўқишдек буюк имкониятдан ўз вақтида фойдаланмаганлар икки қарра ютқазадилар.

Бу муаммонинг ечими ҳам — саводхонлик. Саводсиз инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини билимайди ва ўзини химоя қила олмайди. Саводсизлик инсонни ўзи билмаган ҳолда жиноятчилик қўрбонига ёки жиноятчига айлантириб қўйиши мумкинлигини асло ҳаёлдан соқит қилманг!

Муқтасар айтганда, инсонни ҳар қандай қийин вазиятда ҳам химоя қиладиган ёки қўтқарадиган бу — унинг ўзи ва билимидир. Шу нуқтадан назардан ҳам буюк мутафаккир бобоимиз Имом ал-Бухорийнинг: “Дунёда илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмаган” деган сўзлари бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган. Демак, жиноятчилик қўрбонига киришининг олдини олишда саводхонлик даражаси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Унутманг, бу муаммоларга фақат ва фақат теран ақл ва тафаккур орқали ижобий ечим топиш мумкин.

Аббосхон ЮСУПОВ, Қўзон университети катта ўқитувчиси.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper. Includes contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and office details.